

«EUROASIA INSURANCE» АЖ  
акциядорлари умумий йиғилишининг  
2022 йил 17 августдаги қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

иингилиш-раиси Б.Шадиев



**«EUROASIA INSURANCE»  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
ТАФТИШЧИСИ (ТАФТИШ КОМИССИЯМИ) ТҮҒРИСИДАГИ  
НИЗОМИ**

## I.УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом «EUROASIA INSURANCE» акциядорлик жамияти шаклидаги қўшма корхонаси (матн бўйича кейинги ўринларда – «Жамият») Тафтишчиси ёки коллегиал Тафтиш комиссияси (матн бўйича кейинги ўринларда жамланиб – «Тафтишчи» деб юритилади) макоми, ваколатлари ва мажбуриятлари ҳамда уни (унинг аъзоларини) сайлаш (тайинлаш) ва уни (уларни) ишлаш тартибини белгилаб беради.
2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (бундан буён – «Қонун»), бошқа норматив-хукукий хужжатларга ва Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.
3. Тафтишчи Жамиятнинг назорат органи ҳисобланиб, Жамият, унинг бўлинмалар ва хизматлари, филиаллари ва ваколатхоналари фаолияти устидан ички молия-хўжалик назорат қилиш функцияларини амалга оширади.
4. Тафтишчи ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига, давлат бошқаруви органларининг қонуности хужжатларига, Жамият Уставига, мазкур Низомга ва Жамиятнинг бошқа хужжатларига амал қиласди.

## II. ТАФТИШЧИННИГ ФУНКЦИЯЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш ўтказиш) Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра, Тафтишчининг одатий иш фаолияти (жадвалига) кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан амалга оширилади.
6. Ўз функцияларини бажариш пайтида Тафтишчи қўйидаги турдаги ишларни амалга оширади:
  - Жамиятнинг молиявий хужжатларини, мол-мулкни инвентарлаш бўйича комиссиянинг хulosасини текшириш, кўрсатилган хужжатларни бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш;
  - Жамият номидан тузилган шартномалар, амалга оширилган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китобларнинг қонун хужжатларига мувофиқлигини текшириш;
  - Юртилаётган бухгалтерия ва статистика ҳисобининг мавжуд меъёрий қоидаларига мувофиқлигини таҳлил қилиш;
  - Жамиятнинг молиявий ҳолатини, унинг тўловга қобиллигини, активларнинг ликвидлигини, ўз ва қарз маблағлари нисбатини таҳлил қилиш, Жамиятнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш учун захираларни аниклаш ва Жамият Ижроия органи ва бошқа ҳодимларига молия-хўжалик фаолияти масалалари бўйича тавсиялар ишлаб чикиш;
  - маҳсулот ва хизматлар етказиб берувчилар томонидан тўловлар, бюджетга тўловлар, облигациялар бўйича фоизлар, акциялар бўйича дивидендлар ва иш ҳаки ҳисобланиши ҳамда тўланиши, бошқа мажбуриятлар сўндирилиши ўз вақтида ва тўғри амалга оширилаётганини текшириш;

- солик инспекцияси, статистика органлари, давлат бошқарув органлари га топшириладиган Жамият бухгалтерия баланслари, йиллик ҳисобот ва бошқа ҳисобот хужжатлари тўғри тузилганлигини текшириш;
  - Жамият томонидан кимматли қоғозлар бозори ва акциядорлик жамиятларига оид қонунчилик талабларига риоя қилинишини, шунингдек, жамиятда йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан тузилган битимлар мавжудлигини текшириш;
  - Тафтишчи ваколатига кирадиган бошқа ишларни, шунингдек, акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг топшириқларини бажариш.
7. Тафтишчи қуидагиларга мажбур:
- Акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши, Ижроия органи эътиборига амалга оширилган тафтиш ва текширишлар натижаларини ушбу органларнинг мажлисларига хulosалар, ёзма ҳисоботлар, билдиришномалар, ахборотлар шаклида ўз вақтида етказиш;
  - Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва йиллик бухгалтерия балансидаги маълумотлар ишончлилиги бўйича баҳо бериш;
  - Жамиятнинг молиявий холатига таъсир этувчи хавф-хатар ва бошқа вазиятлар олдида Жамият заифлигига баҳо бериш;
  - Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини йил якуни бўйича ёки бошқа давр учун қонунчилик, Жамият Устави ва мазкур Низомга мувофиқ шахслар ташабусига кўра тафтиш ўтказиш;
  - Тижорат сирини саклаш, ўз функцияларини бажаришлари пайтида Тафтишчи маҳфий (конфиденциал) маълумотларга эга бўлганда, ушбу маълумотларни ошкора килмаслик. Агар Тафтишчи ишига қўшимча эксперт сифатида бошқа шаҳс жалб қилинса, улар Тафтишчи томонидан тижорат сирини саклаш лозимлиги ҳакида огохлантирилиши керак. Уларнинг хатти-харакатлари бўйича жавобгарлик текширишга жалб килган Тафтишчи зиммасида бўлади;
  - Жамиятнинг бошқарув органлари ва мансабдор шахслари харакатларига оид ва уларга нисбатан тегишли қарор қабул қилиш тўғрисидаги акциядорларнинг шикоятларини ўз вақтида кўриб чикиш;
  - Ишлаб чиқариш, хўжалик, молиявий, хукукий фаолиятда қонунбузарликлар аниқланган ёки Жамият манфаатларига таҳдид пайдо бўлган холатларда Жамият бошқарув органлари қарорлари талаб қилинган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ва/ёки Кузатув кенгаши йиғилишини чақиришни талаб қилиш;
  - қонун хужжатларига асосан Тафтишчи бошқа мажбуриятларга хам эга.
8. Текшириш предмети бўлган барча хужжатлар ва материаллар Тафтишчи томонидан текшириш ўтказилганда синчиклаб ўрганиб чиқилиши лозим. Тафтишчи нотўғри хulosалар берганлиги учун жавобгар бўлади ва ушбу жавобгарлик меъёри акциядорлар умумий йиғилиши ва амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланади.
9. Тафтишчи акциядорлар умумий йиғилишида ва Кузатув кенгаши йиғилишида қатнашиши ва йиғилиш қатнашчиларининг саволларига ўз ваколат доирасида жавоб беришга мажбур.

### **III. ТАФТИШЧИННИГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ**

10. Тафтишчи ўз функцияларини тегишлича бажариш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга (ваколатларга) эгадир:
  - Жамиятнинг ҳар қандай молиявий хужжатларини текшириш, шу жумладан Жамиятни инвентаризациялаш бўйича комиссия хужжатлари ва кўрсатилган хужжатларни бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан тақослаш;
  - Жамиятнинг бошқарув органларидан, унинг бўлинмалари ва хизматларидан, мансабдор шахсларидан, Тафтишчи иши учун зарур бўлган хужжатларни талаб қилиш ва олиш. Кўрсатилган хужжатлар ва материаллар Тафтишчига унинг ёзма сўровига асосан икки кун ичida тақдим этилиши керак;
  - Ишлаб чиқариш, хўжалик, молиявий, ҳуқукий фаолиятда қонунбузарликлар аниқланган ёки Жамият манфаатларига таҳдид пайдо бўлган холатларда Тафтишчи бир овоздан акциядорлар умумий йиғилишини ёки Кузатув кенгаши йиғилишини чақиришни талаб қилиш;
  - Жамиятнинг бошқарув органлари, унинг бўлинмалари ва хизматлари олдида, Жамият томонидан қабул қилинган низомлар, қоидалар ва йўриқномаларни бузган тақдирда Жамият ходимлари, шу жумладан мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш;
  - Жамият молиявий ҳисботларини Халқаро молиявий ҳисбот стандартларига (матнда XMXС) мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтишни ташкиллаштириш бўйича ишчи грухси ишида иштирок этиш;
  - Конунчиликда ва Жамиятнинг ички хужжатларида ўрнатилган тартибда ўз вазифаларини бажариб турган давр учун мукофот ва (ёки) Тафтишчининг вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатларни олиш;
  - қонун хужжатларига асосан Тафтишчи бошқа ҳуқуқларга (ваколатларга) хам эга.

### **IV. ТЕКШИРУВ (ТАФТИШ) ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

11. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш одатда бир йиллик фаолият якупнари бўйича амалга оширилади.
12. Жамиятнинг йиллик ҳисботига киритилган ва йиллик бухгалтерия балансида акс эттирилган маълумотлар ҳаққонийлигини тасдиқловчи ёки рад этувчи хулоса хамда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш ўтказиш) бўйича Тафтишчи ҳисботи, Жамиятнинг йиллик ҳисботи дастлаб тасдиқланиши тўғрисидаги Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказилиши кунига қадар уч кун олдин Тафтишчи томонидан Кузатув кенгашига тақдим этилиши лозим.
13. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини режадан ташқари текшириш (тафтиш ўтказиш) қуйидаги холатларда амалга оширилади:
  - Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига асосан;
  - Кузатув кенгашининг қарорига асосан;
  - Жамиятнинг беш фоизидан кам бўлмаган овоз берувчи акцияларига эга акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра;

- Тафтишчининг ўз ташаббусига кўра.
14. Режадан ташқари текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади. Тафтишчи акциядорлар умумий йиғилишининг тегишли баённомасини олгандан сўнг текширишни бошлайди.
15. Режадан ташқари текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан мажлисда қатнашаётган аъзоларининг кўпчилик овози билан, сиртдан овоз бериш холатларида Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади. Ушбу қарорни қабул қилишга овоз берган барча Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан қарор имзоланади ва Тафтишчига юборилади.
16. Тафтишчи томонидан текшириш (тафтиш) ўтказишида қарор қабул қилинган тақдирда Тафтишчи текшириш (тафтиш) ўтказишни уч иш куни ичида ташкиллаштиради ва уни ўтказишни бошлайди.
17. Қонунбузарлик холати аниқланган тақдирда Тафтишчи, аниқланган қонунбузилиш холатини таърифлаган холда ёзма равищда Кузатув кенгашига юборади.
18. Кузатув кенгаши талабномани олгандан сўнг уч иш кунида мажлисини чақириши шарт.
19. Текшириш (тафтиш) ўтказилишига рад жавоби қуидаги холларда берилиши мумкин:
- талабнома тақдим этган акциядор (акциядорлар) талабномани тақдим этган кунда акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган барча масалалар бўйича овоз берувчи акциялар сонига эга бўлмас;
  - талабнома тақдим этган шахс Жамият акциядорларининг реестрида рўйхатга олинмаган ёки акциядорнинг (акциядорларнинг) вакили (вакиллари) ваколатига эга бўлмас;
  - текшириш (тафтиш) ўтказилиши тўғрисидаги талабнома асослантирилмаган бўлса;
  - текшириш (тафтиш) ўтказилишига асос бўлган фактлар бўйича текшириш (тафтиш) ўтказилган ва Тафтишчи томонидан ушбу холатлар бўйича хulosha тасдикланган бўлса;
  - талабномада маълумотлар тўлиқ кўрсатилган бўлмас;
  - талабнома Ўзбекистон Республикаси конунчилиги ва норматив-ҳукукий хужжатларга ёки Жамият уставига зид бўлса.
20. Текшириш предметига тааллуқли барча мавжуд бўлган ва олинган хужжатлар ва материаллар Тафтишчи томонидан текшириш (тафтиш) ўтказилаётган даврда ўрганилиб чиқилиши лозим.
21. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг Тафтишчиси хulosha тузади, шунингдек, корпоратив бошқарув кодекси тавсияларидан келиб чиқкан холда, бу хulosada қуидагилар акс эттирилиши:
- жамиятнинг хисоботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;
  - бухгалтерия хисобини юритиш ва молиявий хисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда

қонун хужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

22. Ушбу хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқилади.
23. Тафтишчи томонидан текшириш (тафтиш) ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) ўтказиш бўйича талабнома тақдим қилган шахслар Тафтишчини ёзма огохлантирган холда ўзлари хоҳлаган пайтда талабномасини чақиртириб олишга ҳақли.
24. Тафтишчи Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва Жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

## **V. ТАФТИШЧИНИ САЙЛАШ (ТАЙИНЛАШ) ВА УНИНГ (УЛАРНИНГ) ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ**

25. Жамият Тафтишчиси (ёки Тафтиш комиссияси) Жамият акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан бир йил муддатга сайланади (тайинланади).
26. Бир шахс ушбу Жамият Тафтишчиси лавозимига кетма-кет 3 (уч) мартадан ортиқ сайланиши (тайинланиши) мумкин эмас.
27. Тафтишчи лавозимига номзодлар бўйича таклифлар киритиш, ушбу таклифларни кўриб чиқиш тартиби Қонуннинг 63 ва 65-моддаларига ва Жамият Уставига мувофиқ амалга оширилади.
28. Тафтишчи лавозимига номзодлар киритиш таклифи ёзма равища Жамиятнинг манзилига почта орқали юборилади ёки Жамият девонхонасига топширилади.
29. Таклиф киритилган сана почта орқали юборилган санаси ёки Жамият девонхонасига топширилган санаси бўйича аниқланади.
30. Таклиф акциядор ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Талабнома вакил томонидан имзоланган холларда вакилнинг ишончномаси илова қилиниши шарт.
31. Агар ташаббус юридик шахс - акциядор томонидан чиқсан бўлса юридик шахс вакилининг имзоси (юридик шахснинг уставига асосан ишончномасиз харакат килиш хуқукига эга бўлган вакил) юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланиши шарт. Агар таклиф юридик шахснинг номидан ишончнома асосида харакат килаетган вакил томонидан имзоланган бўлса таклифга ишончнома илова қилиниши шарт.
32. Тафтишчи ўз хоҳишига кўра истаган пайтида, ўз фаолиятини тўхтатиш кунидан бир ой олдин жамият Кузатув кенгашини огохлантирган холда Тафтишчи лавозимидан чиқишга ҳақли.
33. Агар Тафтишчи Кузатув кенгashi ёки Ижроия органи аъзосига сайланган (тайинланган) ёхуд айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлашни бошлаган бўлса, унда ушбу шахс Тафтишчи лавозимида ўз фаолиятини тўхтатиши лозим.
34. Тафтишчи ваколатлари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йигилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қуйидаги холатларда муддатидан илгари тугатилиши мумкин:

- узрли сабабсиз Тафтишининг ўз ишида уч мартадан ортиқ қатнашмаслиги;
  - Тафтиши текшириш давомида барча хужжатлар ва материалларни лозим даражада ўрганмаганлиги оқибатида нотўғри хулоса берганлиги;
  - Тафтишининг бошқа хатти-харакатлари (харакатсизлиги) туфайли Жамиятга салбий оқибатлар олиб келганлиги.
35. Тафтишининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда Кузатув кенгаши томонидан янги сайланган (тайинланган) Тафтиши ваколатлари кейинги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида сайлангунига (тайинлангунга) кадар амал қиласди.
36. Агар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Тафтиши ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қиласа, ушбу қарор қабул қилинган кундан уч иш куни ичидаги Кузатув кенгаши янги Тафтишини сайлаш (тайинлаш) бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.
37. Тафтиши номзодлари бўйича таклифларни қонунчилик ва Жамият Уставига мувофиқ, Жамият Кузатув кенгаши ва/ёки Ижроия органи киритади.

## **VI. Якуний қоидалар**

38. Тафтиши ишини ташкилий-техник таъминлаш, шунингдек акциядорлар ва инвесторлар билан ўзаро муносабатлар учун Жамиятнинг тегишли тузилмавий бўлинмаси томонидан амалга оширилади.
39. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
40. Агар мазкур Низомнинг айрим қоидалари қонун хужжатлари ёки Жамият Уставига зид келган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари ва/ёки Жамият Устави нормалари қўлланилади.